ЁШ ЛЕНИНЧИ

Ўзбекистон комсомол-ёшлари рўзномаси

1991 йил
26 февраль
Сешанба
№ 32 (13.718).

Баҳоси:
Обуначига — 6 тийин.
Сотувга — 10 тийин.

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ! • السلام عليكم، عزيز موشترى !

17 март—умумхалқ референдуми куни

Келажагимиз—тенгликда

Бугунги кунда бутун Совет халқи ҳар биримиз учун ҳаётий муҳим масалани ҳал қилиш арафасида турибди. Бу Иттифоқни сақлаб қолиш керакми ёки керак эмасми, сақлаб қолинса, у қандай бўлиши керак, деган масаладир. Ҳозир ССР Иттифоқини сақлаб қолиш муаммоси ҳаммани ташвишлантирмоқда. Ҳамма жумҳуриятлар ҳам умумий давлат тузилмаси таркибида қолишни истармиқин? СССР Олий Кенгашининг фикрича, 17 март куни ўтказиш мўлжалланган референдум бу масалаларга аниқлик киритиши, яъни аслида Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг тақдирини ҳал этиши лозим.

Жумҳуриятимизда референдумга тайёргарлик ишлари тобора фаол авж олдирилмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий шўролари, жамоатчилик, комсомол ташкилотлари, хуллас ҳамма бу ишга бош қўшдилар. Ўзбекистон ССРда референдумни ўтказишга қандай тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисидаги масала жумҳурият Олий Кенгаши Раёсатининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилди. Мажлисда Ўзбекистон ССР Президенти ўртоқ Ислом Абдуғаниевич Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. У ўтказиладиган референдум халқларимиз тақдири учун фавқулодда муҳим сиёсий аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Референдумни тайёрлаш ва ўтказишда ғоят фаол иштирок этиш, жумҳурият аҳолисига 17 март куни ўтказиладиган овоз беришнинг ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунтириб бериш — давлат идораларининг, жамоат ташкилотларининг, халқ депутатларининг вазифасидир.

Умумхалқ овоз беришига қўйилаётган масаланинг таърифи жумҳуриятимиз аҳолисининг шу масала хусусидаги фикрини минтақанинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мумкин қадар тўла ифодалай олиши ёки олмаслиги Раёсат мажлисида муҳокама қилинган асосий муаммо бўлди.

Кўпгина халқ депутатлари фуқаролар фикрини ҳисобга олиб, референдумга қўйилаётган масала таърифининг ўзи қўшимча саволлар келтириб чиқараётганлиги хусусида асосли шубҳа билдирдилар. Бу таърифда ҳозирнинг ўзидаёқ турмушимизда мавжуд бўлган ижтимоий-сиёсий воқеликлар ҳисобга олинмаган. Бунинг устига, жумҳурият аҳолисининг улар янгиланган иттифоқ таркибида мустақил жумҳурият сифатида қолишни хоҳлашлари ёки хоҳламасликлари тўғрисидаги фикрларини аниқ белгилаш имконини бермайди.

СССР Олий Кенгашининг референдум ўтказиш тўғрисидаги қарорига катта ижтимоий-сиёсий аҳамият бериб ва Ўзбекистон халқлари хоҳиш-иродасини тўлароқ акс эттиришни, СССР референдумида овоз бериш бюллетени таърифининг маъноси ва мазмунини тўлароқ очиб ва янада аниқлаштириб беришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Раёсати ССР Иттифоқини тенг ҳуқуқли мустақил жумҳуриятлар федерацияси сифатида сақлаб қолиш тўғрисидаги масала юзасидан СССР референдумида овоз бериш учун чиқарилган ва «Тенг ҳуқуқли мустақил жумҳуриятларнинг янгиланган ҳамда ҳар қандай миллатга мансуб кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига тўла даражада кафолат бериладиган федерация сифатида Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқини сақлаб қолишни зарур деб ҳисоблайсизми?»,— деган асосий бюллетень билан бирга фуқароларга овоз бериш чоғида яна битта қўшимча бюллетень бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Қўшимча бюллетень матни қуйидаги шаклда тасдиқланди: «Сиз Ўзбекистон тенг ҳуқуқли мустақил жумҳурият сифатида янгиланган иттифоқ (федерация) таркибида қолишига розимисиз?».

Қўшимча бюллетень киритилишини муқобил референдум ўтказиш деб ҳисобламаслик керак. Унинг моҳияти референдумдаги асосий саволнинг маъносини яна бир марта аниқроқ тушунтириб беришдан иборат, шунинг учун ҳам у қўшимча бюллетень деб номланган. У Ўзбекистон халқлари ўз хоҳиш-иродасини билдиришини энг тўла даражада таъминлашда кўмаклашади, уларга жумҳуриятнинг келажакдаги тақдирига ўз муносабатларини қулай ва содда тарзда билдириш имконини беради. Бу ерда ҳуқуқий нуқтаи назардан ҳам зиддиятлар йўқ, чунки янги бюллетень асосий бюллетеннинг мазмунини истисно этмайди, уни тўлдиради, холос.

Жумҳуриятлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳарактери қатъиян ўзгариши лозимлиги ҳозир ҳаммага равшан. Янги иттифоқ шартномаси тайёрланмоқда, у мустақил жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатларнинг характерини ва қоидаларини белгилаб, аниқлаб бериши лозим.

Ҳозир жумҳуриятда референдум ўтказувчи округ ва участка комиссиялари тузилди ва иш бошлади. Улар 17 март куни овоз беришда қатнашадиган фуқароларнинг рўйхатини тузмоқдалар, катта тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Жумҳурият вилоятларида комиссияларнинг аъзолари, халқ депутатлари, фаоллар билан референдум ўтказишнинг асосий масалалари юзасидан бир қанча семинар-кенгашлар ўтказилди, аниқ ҳаракат дастури белгиланди ва амалга оширилмоқда. Жойлардаги комсомол органлари ҳам бу муҳим тадбирда фаол қатнашмоқдалар. Айниқса ҳозир сафарда юрган «Ўзбекистон комсомоли» ташвиқот поездининг фаолияти ибратлидир.

АГАР ҲАММА САВОДХОН БЎЛСА...

Ҳозирги кунда ер курраси-да юз миллиондан кўпроқ бола ўқиш ва ёзишни ўрганиш имкониятига эга эмас. Қарийб бир миллиард одам саводсиз бўлиб, шуларнинг учдан икки қисми хотин-қизлардир. Сўнгги бор ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, бизнинг жумҳуриятимизда ҳозир уч юз мингдан зиёд саводсиз бор. Халқаро саводхонлик йили жумҳурият қўмитасининг Тошкентда бўлиб ўтган ялпи мажлисида ана шундай аянчли маълумотлар келтирилди.

Мажлисда В. И. Ленин номидаги Совет Болалар жамғармаси Ўзбекистон бўлимининг вакиллари, илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юртларининг олимлари ҳамда мутахассислари, вазирликлар ва маҳкамаларнинг, жумҳуриятимиз кўпгина вилоятларидаги саводхонлик йилини ўтказиш ҳудудий қўмиталарининг ходимлари иштирок этдилар. БМТ эълон қилган ҳамда ЮНЕСКО ҳомийлигида ўтказилаётган бу халқаро тадбир Ўзбекистонда қандай олиб борилаётганлигининг асосий якунлари муҳокама қилинди.

Бир йил ичида кўпгина ишлар қилинди. Барча вилоятларда ва Қорақалпоғистонда халқаро саводхонлик йилини ўтказиш қўмиталари, шунингдек 200 дан зиёд ноҳия ва шаҳар гуруҳлари таъсис этилди. Иқтидорли болаларни излаб топиш ва ўқитиш, улар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар ташкил этиш маорифчилар халқаро саводхонлик йили доирасида олиб бораётган ишнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлди. Ҳозир жумҳуриятдаги мактабларнинг 40 фоиздан кўпроғи, ҳисоблаш техникаси билан жиҳозланган. Наманган, Самарқанд, Урганч дорилмуаллимлари ҳузурида ахборот технологиялари регионал марказлари ташкил этилмоқда.

Мажлис қатнашчилари халқ таълими жумҳуриятда устун мавқега эга бўлганлигини таъкидладилар.

Совет ҳукуматининг Баёноти

Қўшма Штатлар Президенти Жорж Буш 24 февраль куни эрта тонгда Ироқ-қа қарши қуруқликдаги операцияларни бошлаш тўғрисида буйруқ берганлигини айтди.

Ироқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 660-қарорига мувофиқ ўз қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетишга рози бўлганлиги бутунлай янгича вазиятни вужудга келтирганлигига, Форс кўрфази минтақасидаги можарони сиёсий бартараф этиш ўзанига буриб юбориш учун йўл очганига қарамай, можарони ҳарбий йўл билан ҳал этиш истаги устун чиқди. Маълумки, 23 февраль куни Москвада мухбирлар билан бўлиб ўтган учрашувда Ироқ ташқи ишлар вазири Тариқ Азиз Ироқ раҳбарияти ўз қўшинларини Қувайтдан 1990 йил 1 августгача турган жойига дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетишига қарор қилганлигини айтди.

Ироқни шундай ҳаракат қилишга қўндириш учун кўп иш қилган Совет Иттифоқи халқаро ҳамжамиятни можаро тағин ҳам ўткир, қонли босқичга ўтишининг олдини олиш учун ана шу имкониятдан фойдаланишга чақирди. СССР Президенти 23 февралда бутун кун давомида АҚШ, Англия, Франция, Италия, Германия, Япония, Сурия, Миср, Эрон раҳбарлари билан телефон орқали гаплашди. Бунга қадар СССР Президенти Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий аъзолари бўлган мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларига, шунингдек, БМТ Бош котибига шахсий мактуб йўллаб, Москвада Т. Азиз билан олиб борилган музокаралар янги даврасининг натижалари тўғрисида уларни хабардор қилди. Бу музокаралар Ироқ позициясига сифат жиҳатдан янги ўзгартишлар киритиш билан ниҳоясига етганлиги айтилди. Биз кўраётган чора-тадбирлар тўғрисида араб давлатларининг ҳукуматлари хабардор қилинди. БМТ ҳузуридаги совет вакили юз берган вазиятни шошилинч тарзда кўриб чиқиш, Ироқ қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетишни бошлаш вақтини белгилаш, ўт очишни тўхтатиш ва қўшинларни олиб чиқиб кетиш бошланганлигини тасдиқлаш, назорат қилиш ва кузатиб туриш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг фавқулодда мажлисини чақириш йўлида ҳаракат қила бошлади.

Совет Иттифоқи можаро ни тинч йўл билан бартараф этиш, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларида белгилаб қўйилган мақсадларга одамларни яна қурбон қилмай ва моддий вайронагарчиликларсиз эришишнинг ҳақиқий имконияти қўлдан берилганлиги сабабли таассуф билдиради.

Ироқ рози бўлган баёнлар билан бир қанча бошқа давлатларнинг таклифлари ўртасидаги тафовут унча катта эмасди, бу тафовутларни БМТ Хавфсизлик Кенгаши доирасида бир-икки кун давомида келишиб олиш мумкин эди. Хавфсизлик Кенгаши юз берган вазиятни дарҳол кўриб чиқиши керак.

Ризқ-рўзимиз жонкуярлари

Молини боқаверади

Нарх ошармикин?

Қари-ёшнинг, деҳқону-косибнинг, олиму-талабанинг фикри-ўйини кемиради бу савол. Аммо аниқ жавоб йўқ. Уни ҳеч ким айтмайди. Айтолмайдиям. Аниқроғи, айтгиси келмайди. Аслини олганда яна қандай баҳони ошириш ҳақида гап бўлиши мумкин?

Тунов куни Чорсу бозорига тушувдик. Ул-бул харид қилгани. Бир кило гўшт 18 сўм! Қатиқнинг килоси 4 сўмга чиқибди. Думба ёғи 22 сўм. Сизнингча бу арзонми? Агар баҳоси ошса 40—50 сўмга оламизми бир кило гўштни?!

Тартиб-интизомнинг пасайгани, жавобгарликни йўқлигининг ҳам таъсири бор бунга. Ҳозир ҳамма нарса эгалик. Ҳамма нарса эгасиз! Ундоғиям тўғри, бундоғиям!

Аммо, чорвадорлар ҳақида фикр билдирилаётганда уларни интизомсизликда айблаш гуноҳ. Чунки чўпон барибир молини боқади. У шунга қўниккан. Техникани бензинсиз, дастгоҳни дала-даштда эътиборсиз қолдирса бўлади. Лекин қўй-эчки, сигирга хўрак бермасликка илож йўқ. У тирик тан.

Оч-наҳор турса раҳмингиз келади-да.

Боз бир таққослаш. Чилонзорнинг 19-мавзесидаги озиқ-овқат дуконига ўн кундан ошди, сут келмайди. Бировнинг ишиям бўлаётгани йўқ. Гўдаги борлар нима қилаётгани билан. Сут йўқ! Тамом. Арзингни отангга айт.

Ўйлайсизки, дуконни таъмин этадиган хўжаликдаги сигирлар соғилмаяптими? Соғилади. Соғувчи қарамоғидаги говмушга азоб бермаслик учун ҳам соғади. Лекин дуконга келтирилмаяпти. Боя айтганимдек назорат, жавобгарлик йўқ. Аммо сут излаб, сарсон-саргардон бўлганлар чорвадорни қарғайди. Гўё у айбдор. Демоқчи бўлганим шуки, ҳамду-санони бошқалар, таъна дашномни эса чорвадор эшитади. Ҳамма ёқда сут, қатиқ, гўшт мўл, арзон бўлса, бировнинг йўқламаймиз. Таққчиллик сезсаккина эсга оламиз. Сўкамиз.

Муборак ноҳиясидаги БЛКЕИ 60 йиллиги номли давлат хўжалигида соғувчилик қилаётган Дилдора Ҳолиқованинг давлатга 3,5 тонна сут топширгани, қарамоғида 17 бош сигир борлиги ҳақидаги маълумотлар юқоридаги фикрларни эсга келтирди.

Қурбон АЛИ.

Суҳбатни Ш. ШАРОПОВ (ЎзТАГ) олган.

АВЛОДЛАР УЧРАШУВИ

Жамиятимиз мураккаб кунларни бошидан кечираётган ҳозирги пайтда кўпни кўрган, катта ҳаёт тажрибасига эга нуроний отахону онахонларнинг насиҳати ҳар қачонгидан заруррок бўлиб қолди. Яқинда Ленинск шаҳрида бўлиб ўтган Андижон вилоят меҳнат, уруш ва фирқа фахрийлари билан вилоят, ноҳия, шаҳар комсомол қўмиталари котиблари, бўлим мудирлари ва фаоллари учрашувининг сабаби ҳам шунда бўлса керак.

Учрашувни шаҳар комсомол қўмитасининг биринчи котибаси Зуҳрахон Бозорбоева очди. Шундан сўнг Андижон вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Зафар Сандҳўжаев, вилоят фахрийлар кенгашининг раиси, Ўзбекистон халқ депутати Турсуной Каримова, Балиқчи ноҳия фахрийлар кенгашининг аъзоси Абдужаббор Темиров, Улуғ Ватан уруши йилларида батальон комсомол ташкилотига бошчилик қилган Акмал Ғозиев, Қўрғонтепа ноҳия фахрийлар кенгашининг раиси Алижон Эргашев, Андижон Давлат тиббиёт олий билимгоҳи доценти Ҳасанохун Мусаев, Хўжаобод ноҳия фахрийлар кенгашининг раиси Мухторжон Исматов, уруш ва меҳнат фахрийси, кекса ўқитувчи Собиржон Марасулов бирин-кетин сўз олиб, тўпланиб қолган муаммолар, уларни биргаликда бартараф этиш йўллари ҳақида гапирдилар.

Шундан сўнг шаҳар маданият саройи қошидаги кекса санъаткор Ғуломжон Рўзибоев бошқараётган «Орзу» ансамбли, янги тузилган «Асака» вокал-чолғу ансамбли дилрабо куй-қўшиқлар ва жозибадор рақслар билан йиғилганлар кўнглини хушнуд этдилар.

Учрашув давомида бутун умрини ёшларни тарбиялашга бағишлаган 85 ёшли Холиқназар ота Боймирзаев ва 75 ёшли Донохон ая Содиқовага шаҳар комсомол қўмитасининг фахрий ёрлиғи топширилди. Шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси Собиржон Ахмедов шаҳар ва ноҳия маданий ҳаётида фаол қатнашаётган Исмоилжон Устахоновга унинг 65 ёшга тўлиши муносабати билан 110-гвардиячи ўқчи дивизия фахрийлар кенгашидан келган табрикномани топширди. Шаҳар фирқа қўмитасининг бўлим мудири М. Отахонов 50 йилдан бўён фирқа сафида келаётган ёр экстракт заводининг ишчиси Ямгуддин Зайнутдиновга фирқа фахрийси нишонини тақдим этди. Шунингдек, учрашувда иштирок этган уруш ва меҳнат фахрийларига ёш авлодни инсонийлик руҳида тарбиялашдаги меҳнатлари учун вилоят комсомол қўмитасининг фахрий ёрлиқлари берилди.

Муҳаммаджон РАҲИМОВ.
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси.

Шу сонга хабар

Эшитдингизми, ўқидингизми?

● РСФСР Вазирлар Кенгаши Раёсатининг мажлисида Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш ходимларининг ойлик маошларини ошириш масаласи кўриб чиқилди. Жумҳуриятда соғлиқни сақлаш ходимларининг ойлик маошини шу йилнинг 1 мартидан бошлаб 40 фоизга ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

● НЕВА соҳилидаги энг замонавий «Ленинград» меҳмонхонасида кучли ёнғин чиқди. Ёнғин якшанба куни эрталаб 8 larда юз берди. Фожиали воқеа швед саёҳатчиларининг ўчирмасдан қолдириб кетган телевизорнинг қизиши оқибатида содир бўлди. Оловни бартараф этиш учун 250 га яқин ўт ўчирувчи тўрт соат мобайнида кураш олиб бордилар. Афсуски у 7 саёҳатчи ва 9 ўт ўчирувчининг ҳаётига зомин бўлди.

Кўп қаватли ва баланд бинода чиққан кучли ёнғин ўт ўчирувчилар, техника воситалари фожианинг олдини олишга бекаму-кўст, тайёр эмаслигини амалда яна бир бор кўрсатди. Ленинград шаҳар ижроия қўмитаси ўт ўчирувчиларга зарур техника сотиб олиш учун 1 миллион сўм валюта ажратган бўлса ҳам, қарорини ҳамон амалга оширмаган эди.

● КОСТРОМАДА шаҳар ижроия қўмитасининг қарори билан санитар милицияси ташкил этилди. У корхоналар, ташкилотлар ва ҳар бир фуқаронинг шаҳар кўчалари, майдонлари, хиёбонлари, ариқ ва зовурларини қандай тоза ва озода тутаётганини назорат қилади. Дастлаб огоҳлантиради, бу ҳам таъсир этмаса пул жаримаси солинади.

● УРГАНЧ таксомотор парки Нижний Новгород автомобилсозлик бирлашмаси билан бевосита шартнома алоқалари ўрнатди. «ГАЗ-24» маркали машиналар учун тақчил эҳтиёт қисмларни узлуксиз олиб туриш мақсадида хоразмликлар Нижний Новгородга мутахассислар бригадасини юборишдилар. Улар корхона конвейерларида ишлашмоқда. Шартнома ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлди. Таксопаркка ҳозирнинг ўзидаёқ ўнлаб минг сўмлик моторлар, карбюраторлар, стартерлар, радиаторлар ва бошқа эҳтиёт қисмларнинг дастлабки туркумлари келди.

● ҚАРШИ ЧўЛИДА «Кўкдумалоқ» нефть-газ конденцати конини электр билан таъминлаш учун юқори қувватли ток ўтказадиган линия ва ёрдамчи станция қурилиши тугапланди. Шу йилнинг ўзидаёқ бу ерда 24 та қудуқ қазиш ва нефть билан газ чиқара бошлаш имконини беради.

Ўз геологик тузилиши ва табиий заҳираларига кўра ноёб бўлган «Кўкдумалоқ» конида 2005 йилга қадар юзта қудуқ қазилади. Бу Ўзбекистонда, нефть ва газ қазиб чиқариш анча кўпайишини таъминлайди.

● ПУЛНИ ТУТУНГА қандай қилиб айлантиришни ҳамма билади. «Ургенчпромтеплосеть» бирлашмасида эса бунинг аксини қилишга — тутунни пулга айлантиришга қарор қилинди. Бу ишда уларга СССР илмий ва инженерлик жамиятлари уюшмасининг вилоят бўлими ёрдам бермоқда. Тутун таркибидан шундай газ ажратиб оладиган саноат қурилмасини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳига москвалик ва тошкентлик олимлар ҳамда инженерлар кирди. Улар ВДУ-50 «Хоразм» деб номланган ўзига хос ихчам саноат ускунасини ишлаб чиқдилар. Ҳозир бу ишлаима Москвадаги заводлардан бирида металлда ўз ифодасини топаяпти. Март ойида эса уни «Ургенчпромтеплосеть» бирлашмасида ўрнатиш режалаштирилган.

02 хабар қилади

● САМАРҚАНД вилоят ижроия қўмитаси ички ишлар бошқармаси ходимлари «За рулем» ширкатининг ҳайдовчиси Р. Мирзаевнинг «Москвич» машинасидан сув аралаштирилган спиртдан тайёрланган 113 шиша ароқ топдилар. Шу куннинг ўзидаёқ Мирзаевнинг ҳамтовоғи — 128-автобаза ҳайдовчиси С. Қосимовдан 167 шиша арақ тортиб олинди. Иккала корчалон қўлга олинди ва жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

● АНДИЖОН вилояти Хўжаобод ноҳия ички ишлар бўлимига маҳаллий деҳқончилик-саноат комбинатига қарашли болалар боғчасининг қоровули мурожаат қилиб, уни ўлдириш билан қўрқитаётганликларини айтди. Шу хўжаликнинг ишчиси 30 ёшли Х. Исмоилов қўлга олинди. Ундан 28-калибрли қирқма ов милтиғи топилиб, тортиб олинди. Тергов олиб борилмоқда, Х. Исмоилов эса ўқ отиш қуролини ғайри қонуний равишда сақлагани учун жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

● ТОШКЕНТ жанубий вокзали станциясидаги темир йўл ички ишлар бўлимининг навбатчи қисмига ўз қариндошларникига меҳмонга келган Л. Виноградова кўзларида ёш билан мурожаат қилди. У атиги бир ой муқаддам 500 сўмга сотиб олган қоракузан мўйнали қалпоқни автобус бекатида 20 ёшли номаълум йигит бошидан юлқиб олиб қочган.

Бу воқеа оқшом чоғи рўй берган. Жабрланувчини милиция машинасига ҳайдовчи ёнига ўтказиб, соқчилар ноҳия кўчаларини айлана бошлашди. Йўловчилардан бири томида кўк чироқ липиллаётган машина ўтиб кетганини кўриб, тўсатдан орқасига бурилди ва қочабошлади. Бу бежиз эмас экан — ушланган йигитнинг камзули ичидан қоракузан мўйнасидан тикилган қалпоқ чиқди. Талончини тутиш учун атиги ярим соат керак бўлди. Ушланган йигит Калинин ноҳия қурилиш ишлаб чиқариш-техник комплектлаш бошқармасининг ишчиси Қосимжон Эркабаев экан. Ҳозир у жиноий жавобгарликка тортилди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот хизмати.

Шу сонга хабар

«Ёш ленинчи» давра суҳбати

«КАШШОФЛАРСИЗ МАКТАБ БЎЛМАЙДИ»

Кашшофлар билан ишлаётган бир гуруҳ етакчилар яқинда Узбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг ёшлар олий билимгоҳида малакаларини оширдилар. Мухбирмиз улар билан учрашиб, кашшофлар ҳаёти, кашшофлар ташкилотларининг муаммолари хусусидаги фикрлари билан қизиқди.

Қосим АЛИЕВ, Қашқадарё вилояти, Усмон Юсупов ноҳиясидаги Мақсуд Шайхзода номли 8-мактаб кашшофлар бош етакчиси:

— Ёшлар олий билимгоҳида бир ойдан ортиқ муддат бўлиб, кўп нарсаларни ўргандик. Айниқса, иш юритишдаги қийинчиликларни бартараф этиш йўл-йўриқларини менда чуқур таассурот қолдирди.

Болалар билан муомала қила билиш катта аҳамиятга эга. Уларнинг кўнглига йўл топа билмас экансан, қанча тиришсанг-да, ишингни севсанг-да фойдасиз.

Тўхтасин ПЎЛАТОВ, Наманган вилояти, Янгиқўрғон ноҳиясидаги 31-ўрта мактаб кашшофлар бош етакчиси:

— Жумҳуриятимизда кашшофлар билан ишлашда ҳали етарли тажриба тўпланган йўқ. Болалар билан 15-20 йиллаб ишлаётган етакчилар бармоқ билан санарли. Аксарият ҳолларда бир-биримизнинг хатоларимизни такрорлаймиз. Ноҳия кашшофлар уйи ҳамда бошқа мутасадди раҳбарлар томонидан тавсия этилган ишлар бу нуқсонларга барҳам берган бўларди.

Шарофат ВОҲИДОВА, Сурхондарё вилояти, Шеробод ноҳиясидаги 38-ўрта мактаб кашшофлар бош етакчиси:

— Тўхтасин ака жуда тўғри гапни айтди. Бу ишни кечиктирмасдан ҳал этиш лозим. Кашшофлар билан ишлаётган етакчиларнинг қўнимсизлиги ҳақида жуда кўп айтиляпти. Лекин бирор чора кўрилаётгани йўқ. Назаримда, бу хато ва камчиликлар хусусида ваъз ўқиш жамият касаллигига айланди. Гўё нуқсонлар тўғрисида айтсанг, масъулият зиммангдан соқит бўладиган-дай. Ноҳиямизда қилинаётган ишлар бизларни қувонтирмоқда. Ноҳия комсомол қўмитаси ва кашшофлар уйи ҳамкорлигида бир неча бор етакчилар йиғилиши ўтказдик. Бу тадбирлар илғор тажрибаларни оммалаштиришга, энди иш бошлаганларнинг иш ўрганишига асос бўлмоқда. Эрта-индин ноҳиямизда етакчилар танловини ўтказиш мўлжалланмоқда.

Неъмат ЕҚУБОВ, Самарқанд вилояти, Қўшработ ноҳиясидаги 76-мактаб кашшофлар бош етакчиси:

— Кашшофлар ташкилоти бугун керакми ёки йўқми? Менимча, керак. Унинг мактаб ўқувчилари ҳаётида ўз ўрни бор. Қолаверса, ўқув даргоҳимиз кашшофлари билан ўтказилган мулоқотларда ҳам шу қарорга келганмиз.

Хуррамбой ОМОНОВ, Сурхондарё вилояти, Шеробод ноҳиясидаги 28-мактаб кашшофлар бош етакчиси:

— Ҳамкасбларимнинг сўзларини эшитиб туриб, ҳамма жойда аҳвол бир хилдалигига амин бўлдим. Ёшлар олий билимгоҳида ўтказган дарслар замонавий мактабларга жуда қўл келади. Бироқ чекка вилоятларда бундай тадбирларни амалга оширишнинг умуман имкони йўқ. Баъзи мактабларимиздаги кашшофлар хонаси нариданбери жиҳозланган. Кўргазмали воситаларни топиш армонга айланиб бормоқда. Мен бу билан вазиятни эътиборга олиш зарурлигини эслатмоқчиман, холос.

Қосим АЛИЕВ: — Кашшофлар ишининг сust эканлиги сир эмас. Назаримда, бу синф раҳбарлари ҳамда отаоналар билан ҳамкорликда иш олиб борилмаслиги оқибати.

Тўғри, етакчи бўлиб ишлаётганимга ҳали кўп бўлгани йўқ. Бироқ мазкур ишда ҳам ташаббускор-изланувчан бўлиш кераклигини ҳар қадамда сезиб турибман. Ҳамкасбларим билан бўлган суҳбатлардан шуни англадимки, мактаб раҳбарлари кашшофлар етакчиларига, унинг ишига алоқаси бўлмаган турли вазифа ва кўрсатмаларни бериб турар экан. Бу ўзўзидан ишни орқага суради.

Тўхтасин ПЎЛАТОВ: — Қосимжон, дилимдаги гапни айтдингиз. Кашшофлар етакчисининг қай даражада иш олиб бориши мактаб директорига, унинг мактабдан ва синфдан ташқари ишлар ташкилотчисига жуда ҳам боғлиқ. 27 йиллик муаллимлик тажрибасига эга-ман. Болалар руҳиятини яхши биламан. Шу боисдан, улар билан ишлаш менга жуда ёқади.

Шарофат ВОҲИДОВА: — Болалар билан ишлаб туриб, уларни яхши кўрмаслик мумкин эмас. Мана, пойтахтга келганимизга ҳам бир ойдан ошди. Мактабни, болаларни соғиндим. Етакчининг қандай иш олиб бориши муаллимлар жамоасига боғлиқ эканлиги айтилди. Ҳозирги шароитда директор ва ташкилотчининг қаролига айланганмиз. Кашшофлар ташкилотини мактабдан ажратиш ҳақида гапсўзлар бор. Балким, шундагина ортиқча юмушлардан ҳоли бўлармиз. Мактаб директорига шу пайтгача қилган ишларимиз бўйича ҳисоб-рамиз. Нега?

Неъмат ЕҚУБОВ: — Шарофатхон, сиз кашшофлар ташкилотини мактабдан ажратиш ҳақида гапирдингиз. Яхши. Мабодо ажралди ҳам дейлик. Унинг жамғармаси, ҳамёнида пули, маблағи бўлмаса бирон тайинли иш қилолармикин? Жумҳуриятимиз бозор иқтисодиёти бўсағасида турган бир пайтда ишларимиз тобора чигаллашмоқда-ку.

Кашшофларсиз мактаб бўлмайди, билмадим, менга шундай туюлади. У ўз-ўзини бошқариш қудратига эга. Ёдларингизда бўлса, дарсларнинг бирида Болтиқбўйидаги скаутлар ташкилоти ҳақида маъруза бўлганди. Унда айтилишича, скаутлар сафига фақат ўқувчилар эмас, балки катта ёшдагилар ҳам аъзо бўлишган. Ташкилот 1901 йилда тузилган бўлиб, қизлар, эркаклар алоҳида-алоҳида иш олиб боришган. Унинг мақсади, ёш авлодни ватанга, динга садоқат руҳида тарбиялаш бўлган. Россияда бундай ташкилотнинг 1909 йилдаёқ тузилгани ҳақида маълумотлар бор. Бизда ҳам кашшофликка қабул қилиш, ундан чиқиш ёшини белгилаб қўйиш, шартмикин?

Хуррамбой ОМОНОВ: — Ёшлар олий билимгоҳида ўтган кунларимиз самарасини тез орада кўришни истайман. Ўқув жараёнига бир таклифим бор эди. Амалиётни 4 кун эмас, ҳеч бўлмаганда бир ҳафта — 7 кунга узайтириш лозим.

Қосим АЛИЕВ: — Гап амалиёт ҳақида бораётган экан, Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳридаги 9-мактабда ўтказган тадбирим тўғрисида фикр юритмасам бўлмайди. Мен у ерда 8-«А» синфга отряд етакчиси бўлдим. Кашшофлар билан биргаликда «Одобнома» мавзуида бир қанча кўргазмали чиқишлар тайёрладик. Тўрт куннинг қандай ўтиб кетганлигини ҳам сезмай қолдим.

Тўхтасин Пўлатов: — Мен пойтахтдаги 248-мактабда бўлиб, у ердаги 5-«А» синф ўқувчилари билан ҳамкорликда стенд тайёрладим. Мен билан бирга олий билимгоҳдан 15 киши ҳам ёшлар олий билимгоҳида ўрганганларини амалиётга жорий этди. Биз ҳар бир жумҳуриятга атаб, махсус чиқишлар қилдик. Жамоада 16 нафар халқ маорифи аълочиси бор экан. У ерда 1980 нафар ўқувчи таълим-тарбия олишини бизга ҳикоя қилиб беришди.

Шарофат ВОҲИДОВА: — Сизларнинг бу борада омадларингиз келибди. Мени тақсимот бўйича 222-мактабга юборишди. 2-«А» синф ўқувчилари билан бирга турли машғулотлар ўтдик. Бироқ ўқув масканида муаллимнинг обрўси нақадар паст эканлигини сездим. Умуман, тартиб-интизом йўқ. Ўқитувчигаки, шунчалар эътибор сust экан, кашшофлар етакчиларини гапирмаса ҳам бўлади. Бундай шароитда қандай қилиб болаларга таълим-тарбия бериш мумкин?

«Давра суҳбати»да мактабнинг бугунги ва эртаси, ўқитувчи обрўси каби мавзуларда ҳам сўз юритилди. Суҳбатнинг боришидан унинг долзарблигини англаб олиш қийин эмас. Ҳолбуки, бугун мактаб даргоҳида ишлаётган ҳар бир кишининг ўз муаммолари, дарди бор. Шунинг ўзиёқ суҳбатимиз тугамаганлигини, унинг давом этишини билдиради. Демак, сўз сизга, мактаб жонкуярлари!

Суҳбатни Муҳаммад АМИН ёзиб олди.

ТАҲРИРИЯТДАН: Юқоридаги суҳбат қатнашчилари Тошкент ёшлар олий билимгоҳида малака оширган сўнгги кашшоф ходимлари бўлиб қолишлари эҳтимолдан ҳоли эмас. Чунки, жумҳурият Халқ Таълими вазирлиги Тошкент ёшлар олий билимгоҳида кашшоф мутахассисларини ўқитиш ва қайта тайёрлаш учун йиллик маблағ (1991 йил учун) ажратишдан воз кечди. Кашшофлар иши «эски ҳаммом, эски тос» ҳолига тушди, чамаси.

Гулистон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бугунги кунда жамиятимизда юз бераётган иқтисодий инқирозни бартараф этиш йўлида бутун куч ва имкониятларни ишга сафарбар этмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда сифатини оширишнинг барча чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Бу борада айниқса, корхонанинг ёш чеварлари кўпчиликка намуна бўлмоқдалар.

Гулистонлик тикувчилар самарали меҳнат қилиш билан бирга турмушдаги турли воқеа ва саналарни ишонлашни, мароқли ҳордиқ чиқаришни ҳам яхши биладилар. Бу ерда бўлган суратқаш мухбир Еркабой БОТИРОВ 10-цехнинг илғор ишчиси Зулфия Сарманованинг туғилган кунини ишонлаш маросими устидан чиқиб қолди. Бирлашмада илғор участкалардан саналган ушбу цехнинг моҳир тикувчиси кунлик топшириқларни ортиғи билан уддалашга муваффақ бўлмоқда.

СУРАТДА: Зулфия Сарманова (ўнгда)ни ҳамкасблари Зарема Умерова ва Зиҳания Мустафиналар қутлашаётган пайт.

«АВВАЛ ЎЙЛА, КЕЙИН СЎЙЛА»

• Акс-садо •

Ушбу халқ мақоли айниқса журналист тоифаси учун доимий шиор бўлиб қолмоғи керак. Таассуфки, қўлига қалам тутган ҳар бир одам ҳам ота-боболаримизнинг бу нақлига амал қилавермайди. «Гулистон» ойномасининг 1-сонида босилган «Шунчаки шов-шув экан» номли мақола муаллифи Абусаид Нурбоев ҳам, муҳарририят ҳам шу мақолни унутган кўринади.

Мақолада бултур кузда Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги хонадонлардан бирида юз берган полтергейст ҳодисаси юзасидан фикр юритилиб, аслида ҳеч қандай воқеа бўлмаган, «шунчаки шов-шув экан» деган хулоса чиқарилади. Ажабо! Бу хонадоннинг бир неча ой тортган азоблари, полтергейст ҳодисасини тўхтатиш мақсадида журналистлар, экстрасенслар ва олимлардан иборат тадқиқотчи гуруҳнинг бир неча ойлик меҳнати нақотки масъулиятсизлик билан айтилган бир оғиз сўздан чиппакка чиқса? Жабрдийда хонадон эгалари ҳам, тадқиқотчилари ҳам ёлғончи бўлиб қолса?

Бирон жойда тўй ўтганидан кейин бориб, «Э, ҳеч қандай тўй бўлмаётган экан, ёлғон айтишибди!» деган одамни ким деб атаган бўлардингиз? Шўринг қурғур мухбир худди шундай иш қилибди. Полтергейст ҳодисаси тўхтаганидан кейин борган қаламкашу рассомлар нимани кўрсин ахир? Ҳолбуки, ўз вақтида олимлар, полтергейст бўйича мутахассислар синган идишларда кучли биоэнергия мавжудлигини биорамка ёрдамида аниқлашди, ўнлаб гувоҳлар қаторида ғойибдан пайдо бўлиб учиб юрган буюмларни ўз кўзлари билан кўришди! «Кўрганни эшитган енгибди» деганлари шу бўлса керак-да...

Ўша хонадонга бормасдан аввал бу воқеага ишонмаганлар бўлди, албатта. Лекин ўз кўзлари билан кўришгандан кейин ишонишди. Масалан, «Молодежь Узбекистана» рўзномасининг бош муҳаррири А. Т. Пукемов полтергейст қандай ҳодиса эканлигини яхши билишига қарамай аввал унга ишонмаганди. Бироқ ўша хонадонда бўлганида полтергейст тўхтаганига қарамай, синганига бир ой бўлган идишларда ҳам биоэнергия мавжудлигини аниқлай олди. Ўз-ўзидан юриши ниҳоят тўхтаган музлатгичга биорамкани яқинлаштиргандa эса «Э-ҳе, бу ерда даҳшатли ҳодиса рўй берган экан-ку!» — деб юборди беихтиёр. Александр Тимофеевич полтергейст ҳодисасини кўп кўрганига қарамай, бу хонадондагиси кучли бўлганини эътироф этди.

Тажрибаларда яна Диний бошқарма вакиллари, дуохонлар қатнашди. Шунингдек, «Фан ва турмуш» ойномаси раҳбарлари, ёзувчи Саъдулла Сиёев, ЎзФА Тарих олийгоҳининг бўлим мудири, тарих фанлари номзоди Ҳайдарбек Бобобеков, Узбекистон ойнаи жаҳони «Тошкент» студиясининг муҳаррири Октябрь Мўминов бошчилигидаги тасвирчилар гуруҳи гувоҳ бўлган бу ҳодисага. Шунча одамни, бу воқеадан хабар берган «Фан ва турмуш» ойномаси, «Ёш ленинчи» рўзномаси, Ўзбекистон радиоси ва ойнаи жаҳонини ёлғончига чиқариш «Гулистон» ойномаси учун нега керак бўлиб қолдийкин?

Умуман, полтергейст ҳодисасида онглилик элементи мавжудлиги аллақачон тан олинган. Аслида «полтергейст» немисча сўз бўлиб, «руҳлар ўйини» демакдир. Бу ҳозирда табиатда қувватахборот алмашинувининг энг асосий муаммоларидан бири, қувват-ахборот алмашинуви бўйича нафақат Тошкент ё Москвада, балки бутун дунё миқёсида ўтадиган ҳеч қандай анжуман полтергейст ҳодисасини четлаб ўтмайди. Олимларнинг фикри ҳар хил: баъзилар бу жинлар ё безовта руҳларнинг иши деса, бировлар бошқа ўлчамдаги дунёлардан ўтаётган мавжудотларнинг ёки ўзга олам вакилларининг иши дейди. Нима бўлишидан қатъий назар, полтергейст баъзан катта зарар келтиради. Бу ҳодисадан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ҳақида СССР Вазирлар Кенгашининг махсус қарори мавжуд эканлиги ҳам бежиз эмас.

Полтергейстнинг баъзи турларини тўхтатиш мумкин. Бинобарин, бу воқеа тўғрисида матбуот, радио, ойнаи жаҳонда мухбир айтмоқчи шов-шув кўтариш учун хабар бермадик, балки полтергейстни тўхтата оладиган одамлардан ёрдам сўрадик. Шундай кишилар топилди ва бу ҳодисани тўхтатишга ёрдам беришди. Хонадон эгалари ҳам бу ҳодиса тўхтади дейишган, бўлмади дейишмаган. Шунга қарамай, мухбир умуман, ҳеч нима бўлмаган деб хулоса чиқаради.

Аҳолининг полтергейст ҳақида тасаввури камлиги учун ҳам бу тўғрида кўп ёзиш керак. Мухбир биз тўғримизда «Матбуот саҳифаларида шу воқеа билан боғлиқ шов-шув кўтаришдан олдин етарли дастаклар тўплаб, фикрларини асосласалар. Ниятимиз беҳуда шов-шувлар кетидан қувиб, аҳоли чалғитилмаса», — деб ёзибди. Худди шу сатрларни унинг ўзига ҳавола этамиз. Бизлардан бирортамиз билан учрашишни мухбир ўзига эп кўрмаган бўлса, муҳарририят лозим топиши керак эди. Қаламкашлик одобини битта қаламкаш унутган бўлса, ойноманинг унутишга ҳақи йўқ эди!

Рустам ОБИД,
«Фан ва турмуш» ойномасининг «Сирли ҳодисалар» бўлими мудири, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси;

Ҳусниддин ШОУМАРОВ,
Узбекистон радиоси «Ахборот» муҳарририятининг «Оқшом тўлқинларида» эшиттириш муҳаррири, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси;

Маҳмуд ҲАСАНОВ,
ЎзФА Шарқшунослик олийгоҳининг илмий ходими;

Ёркин НУРИДДИНОВ,
Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари олий билимгоҳининг доценти, фалсафа фанлари номзоди.

ДИҚҚАТ: ТАНЛОВ!

ПАРВОЗ БЕКАСИ БЎЛМОҚЧИМИСИЗ? МАРҲАМАТ!

Илгари хабар қилганимиздек, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармасининг Тошкент учиш мажмуаси борт кузатувчилари сафини маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига тўлдиришга қарор қилган эди.

Тошкент учиш мажмуаси жамоаси танловни давом эттиради. Ўзбек, рус (чет тиллардан бирини билса, нур устига аъло нур) тилларини биладиган 18 ёшдан 24 ёшгача бўлган маҳаллий қизлар борт кузатувчиси касбига қабул этиш учун кўрикка таклиф қилинадилар. Танловда олий ва ўрта маълумотли қизлар қатнашишлари мумкин. Хоҳловчилар эълон чиққан кундан бошлаб 13 мартгача қуйидаги манзилгоҳга мурожаат этишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Локомотив кўчаси, УТЦ-3, 5-қават. Танлов ҳайъати. (Тошкент тайёрагоҳи олдида). Телефон: 55-71-79.

Танлов шу йилнинг 13 мартидан 15 мартигача юқоридаги манзилгоҳда бўлиб ўтади.

Шошилинг, қизлар! Сизни жумҳуриятимиз ҳамда мамлакатимиз шаҳарлари йўналишлари бўйлаб парвозлар кутади.

ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

Яқинда Муборакдаги 101-автотранспорт корхонасига Узбекистон ССР Автомобиль транспорти вазирлигидан хушхабар келди. Меҳнат илғорларидан бир гуруҳига «Узбекистон автомобиль транспорти аълочиси» нишонлари топширилажаги қайд этилган эди унда.

Ўтган йили мубораклик автотранспортчилар режадаги 1140 минг ўрнига 1151,7 минг тонна юк ташиб, бу борадаги топшириқни ортиғи билан бажарган эдилар. Йўловчи ташиш топшириғи эса 104,2 фоизга уддаланди. Даромад олиш кўрсаткичи 111 фоизга етди.

— Барча тармоқларида бўлгани сингари бизнинг соҳамизда, хусусан, автокорхонамизда ҳам муаммолар етарли, — дейди корхона директори Салим Ҳамроев. — Эҳтиёт қисмлари етишмайди, ёнилғи-мойлаш материаллари тақчиллиги оқибатида тез-тез транспорт қатновида узилишлар содир бўлаяпти. Бироқ шуларга қарамасдан биз ўзимиздаги имкониятларни тўла ишга жорий этиш устида изланишни давом эттираяпмиз.

Автокорхонада юқоридаги сингари муаммолар мавжудлигига қарамасдан, кўпгина ҳайдовчилар яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар. Айниқса Н. Қўйлиев, М. Янгиев, Т. Оллоқулов, Ф. Тайсинов сингари ҳайдовчилар ҳозирнинг ўзидаёқ 1992 йилнинг март ойи ҳисобига ишламоқдалар.

У. МУҲАМЕДОВ.

Мактаб, болалик ҳақида вақт ўтган сари кўпроқ ўйларкансан. Ажаб, ўша кезлар жадвалда адабиёт ёки тарих фанидан дарс бор кунлари мендан қувноқ, мендан бахтли ўқувчи топилмасди, гўё. Ўртоқларимнинг «Журналист бўлолмасангчи?» дейишларига, унда тарих муаллимаси бўламан, дея жавоб берар эдим.

Талабаликда ўтган бедор тунлар. Қизлар йиғилишиб, имтиҳонга тайёрлардик. Ёстиқ етмай қолган кунлар мен «Коммунистик партия тарихи»ни бошимга қўйганча мизғиган бўлардим. (Бир ёстиқ қалинлигича бор-да ўзим). Бир олиб, бир қўйиб, шунча йил ўрганганимиз нима бўлиб чиқди? Чиндан ҳам тарих ўқитувчиси бўлганимда айнан шу кунларда ўқувчиларимга қайси тарихимизни ўргатардим?

Шу савол билан Куйбишев ноҳиясидаги И. Мўминов номли 113-мактаб тарих муаллимаси Салима СУВОНОВАга мурожаат қилдим.

— Ҳоҳлайсизми-йўқми 70 йиллик тарихимизни ўрганишимиз керак. Ғийбатчилик учун эмас, хатолардан тўғри хулоса чиқармоқ учун. Инсон ортига ўгирилгандагина қачон, қайси қадамини ножўя босганини кўради. Балки аввалгидан ҳам машаққатлироқ келажак кутаётгандир уни. Танглик ботқоғидан кечаги хатоларимиз сабоғи беталофат олиб чиқса ажаб эмас. «Ўзининг қадрини билмаган ўзганинг қадрини не билсин» мақоли халқимиз орасида ҳатто қўшиқ бўлиб кетган. Рост-да ўзбекнинг тарихини, урф-одатини, маданиятини билмаган ўқувчи Урусия тарихини қандай тушунсин? Бусиз Ватан тушунчаси оддий ҳарфлар йиғиндисига айланиб қолади, менимча.

— Узбекистонимизнинг тарихини ўрганиш хусусида имкониятлар етарли деб ўйлайсизми?

— Бир синфга ҳафтада беш соат машғулот ўтаман. Ўша ўзимиз ўқиган эски режалар асосида. Шундан атиги бир соати Ўзбекистон тарихига аталган. Бир сир бор. Ўйлайманки «гуноҳим» учун мени бошқалар айбламайдилар. Шу кунларда ҳар машғулотнинг сўнгги 10-15 дақиқаларини «Темурнома» китобини ўрганиб чиқишга бағишлаяпмиз. Олдинда «Бобурнома» кутяпти, бизни.

— Бу китоблар эски ўзбек тилида битилган, ўқиш мушкул эмасми?

— Ўзим обдан тайёрланиб, кейин ўқувчиларга ҳозирги ўзбек тилида баён этишга ҳаракат қилаяпман.

— Мана эрта-индин бозор иқтисодиётига ўтамиз. Тузумимиз шу «ўтиш»га тайёрми?

— Бозор иқтисоди биздан кучли иқтисодчиларни талаб қилади. Иқтисодчи бўлиш учун эса аввало сиёсатни билиш керак. Халқимизда яна бир гап бор. «Пул — пулни топади, ахмоқ оёғини чопади», «ема, ичма»... деган маънода бой бўлиш эмас, имконият қадар бой бўлиш ҳақида гапираяпман. Ўзбекистонимиз 93 хил фойдали қазилмага эга бўлган энг бой ва тан олиш керак энг қашшоқ юртга айланиб қолган. Тинмаймиз, оёғимиз югураверади, бошдан дўппини олиб ўйлайлик десак, билдикки дўппи ўзимизники эмас, «Ўтиш»га тайёрмидик, йўқми бирор йилда аниқ бўлиб қолар...

— Бозор иқтисодига болаларни мактаб партасиданоқ ўргатишимиз керак, деган гаплар қулоққа чалинаяпти.

— Қадимда савдогарларни билимдон сиёсатчи сифатида ҳам қадрлашар экан. Улар ўз мамлакати ўтмиши, ҳозири, баланд-пастни яхши билишган. Мол олиб борган юртнинг сиёсатини ҳам ўз шериклари, яъни савдогардан сўраб билишар экан. Ўқувчиларимизнинг олиб сотар эмас ҳақиқий савдогар бўлиб чиқишларини бажонудил истардим.

Қаноат БОЙХОН қизи.

Бизнинг мусоҳаба

ЯНА ТАРИХИМИЗ ҲАҚИДА